

Увайсий (тажаллуси; исми Жаҳон) (1779 — Марғилон — 1845) — шоира, маърифатпарвар. Увайсий оиласда хат-саводини чикариб, аввал ҳалфа, сўнгра онасининг ёнида мактабдорлик килган. Акаси Охунжон хофиздан шеърият илмини ўрганган, тез орада шоира, отин сифатида танилган. У, айникса, арузни, муаммо (шеърда фикрни яшириб ифодалаш) санъатини мукаммал эгаллаган. Кўкон адабий мухити билан якинлашиб, мушоираларда катнашган. Саройда Нодира ва бошка хотин-кизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик килган. Дилшод отиннинг маълумот беришича, Увайсий Нодира билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шахарларга борган. 1842 йилда Бухоро амири Насруллахон Кўконни эгаллагач, Марғилонга кайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

Увайсий 4 девон тузганлиги маълум. Лекин бу девонларнинг асл кўлёзмалари топилмаган. Увайсий мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида ижод килган. Навоий, Фузулий ва бошқаларнинг асарларига мухаммаслар боялаган. Шоиранинг адабий меросида 269 газал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мурабба, чистой, 3 достон, тугалланмаган бир манзума бор. Ижодининг гоявий мавзу доираси теран ва кўп киррали.

Шоира адабиётда тараккийпарвар намояндаларнинг карашлари асосида майдонга келган инсон такдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик гояларида латиф ва дилкаш асарлар яратган, асарларида инсонни эъзозлаш, одамларни табиат ва хаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаш, дўстлик, вафо ва садокат хакидаги улугвор ниятларини Куръон оятлари, хадислар ва тасаввуфий талкинлар билан асослаган холда ижодий баркамолликка эришган. Унинг шеърларида тарикатнинг талаб ва коидаларига тааллукли бўлган талкинлар кўп учрайди:

Фано мардумларини сирридин хеч кимса йўқ огох,
Кабих гуфтор мардумдин кўнгул дод ўлди, дод ўлди.

Увайсий ўз асарларида юксак одамийликни, шу одамийликни калб тўрида авайловчи вафодор ёрни улуглайди, уни Куёш билан киёс килади. Куёш хар тонг уфқдан бош кўтариб, ўзининг оташин нури билан оламга, одамларга ўз меҳр ва шафкатини сочади. Шоира ёр ва офтоб ташbihларидан каршилантириш санъати оркали энг гўзал туйгулар силсиласини яратади. Унинг лирик қаҳрамони мушоҳадакор донишманд, вафоли ошик. Унинг анор хакидаги машхур чистони ўзининг мухим мазмуни ва юксак бадиийлиги билан шоира ижодининг ёркин бир сахифаси сифатида кўзга ташланади:

Бу на гумбаздур, эшиги, туйнуғидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок кизлар манзил айлабдур макон?
Туйнуғин очиб, аларнинг холидан олсам хабар,
Юзларида парда тортуглик турурлар, багри кон.

Увайсий хаётлик давридаёк нафис лирикаси билан машхур бўлган ва замондошларининг эътиборини козонган. Лирик шеърларидан ташкари, унинг «Шахзода Ҳасан», «Шахзода Ҳусан» каби лироэпик асарлари ва «Воқеоти Мухаммад Алихон» каби тарихий достонлари мавжуд. Шоиранинг лироэпик достонлари ислом тарихи билан боғлик воқеалар асосида яратилган.

Увайсий асарлари ўзининг латиф мазмуни ва дилкаш бадиийлиги билан ҳалк оммаси орасида кенг ёйилган, хофизлар, хонандалар томонидан маком ва ҳалк оханглари йўлида куйланиб келинади. Унинг хаттотлар томонидан кўчирилган З нусха кўлёзма

девони Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Андижон университети кутубхонасида сакланади.

УВАЙСИЙМАН

Мехнату аламларга мубтало Увайсийман,
Кайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман,

Истадим бу оламни, топмадим вафо ахлин,
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсийман.

Уз дилинг тааллукдин, банд кил худо сори,
То дегил кеча-кундуз: “Мосиво Увайсийман!”

Кечалар фигонимдин тинмади кавокиблар,
Арз то само узра можаро Увайсийман.

То кўриб хароботин таъна этма, эй зохид,
Бир нафас эмас холи иктидо Увайсийман.

Факр боргохига кўйса гар кадам хар ким,
Бош агар керак бўлса, жонфило Увайсийман.

Вайсий бериёзат деб сахл тутма, эй ориф,
Ишк аро никон дарди бедаво Увайсийман.

КЎНГУЛ ДОГ ЎЛДИ...

Замона кулфатидин бу кўнгул дог ўлди, дог ўлди,
Бу чархи bemuruvvatdin kungul dog uldi, dog uldi.

Жароҳат бўлди багрим тигИ бедоди ракиблардин,
Бу кўтохфаҳм мардумдин кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Бу гулзори фано ичра махали бехалал йўқтур,
Хамеша захми хородин кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Фано мардумларини сирридин хеч кимса йўқ огах,
Кабихгуфтор мардумдин кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Кўнгул кони фарогИ дийдадин бир лахза банд ўлмас,
Вужудим изтироб айлаб кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Турубдур багрим ичра кон мисоли гунча, найларман,
Очилимай гулсифат ушбу кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Сўзимдин хотиринг узра гумоне ўзга еткурма
Ки, изхор айламай найлай, кўнгул дог ўлду, дог ўлду.

Мен расвойи оламдин мабодо эътиroz этма,
Такаллум бирла шод айла, кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Кўнгулни оташин бежо килибдур нутки гуфтори,
Каю bog андалибидин кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густохлик бирла,
Малоли хотир ўлгайму, кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

Ажаб ашъори мавзун bogлади Вайсий хасаддинким,
Умархон зуфунунеким, кўнгул дог ўлди, дог ўлди.

СОГИНДИМ

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни согиндим,
Гадо бўлсам, не айб, ул шохи давронимни согиндим.

Мусофиран, гарифман, бекасу хам бенаводурман,
Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни согиндим.

Тилимнинг зикрию кўнглимни фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлгузим, давлатли сultonимни согиндим.

Кеча-кундуз йўлига мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб холим сўрубор кетса, меҳмонимни согиндим.

Насибин узмади тангрим, иложин топмагай келса,
Онам деб бўлгуси багри кизил, конимни согиндим.

Коронгу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси, мохи тобонимни согиндим.

Мени бекас Увайсий йиглагайман рўзи шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни согиндим.

КАБУЛ ЭТКИЛ

Келибман даргахингга, шохи хўбоним, кабул эткил,
Багир коним била бул чашми гирёним кабул эткил.

Умид айлаб талаб олмокка кирдим рохи покингга,
Йўлингда айлаган фарёду афгоним кабул эткил.

Тушубдур бошима савдойи ишкинг, эй шаханшохим,
Аlam бозорида бул дарди пинхоним кабул эткил.

Ўтубдур гавхари ноёби умрим токи гафлатда,
Тазарруъ зор илан килгон пушаймоним кабул эткил.

Тегибдур новакингдин неча ўқ жиссим аро пинхон,
Шахиди ишк ўлмокка окан коним кабул эткил.

Увайсий гарчи нокобил, келибдур остонингга,
Фигону охи сўзонини, сultonим, кабул эткил.

ЧИКИБ ИШК ЎТИ...

Чикиб ишк ўти қўксим чокидин, бошимдин ошибдур,
Курук шоҳеки, гўё ўз ичидин ўт тутошибдур.

Кўзинг жон лабга еткурди, лабинг жон кўшти жонимга,
Бу икки дўстлар ул жони махзуним талошибдур.

Азал кунда асар этганди сирри май кулогимга,
Бугун, вах, дил булоги жўш урмокликда тошибдур.

Висолинг орзуси шиддати хижронни йикмокда,
Бу икки пахлавон майдони дил узра курошибдур.

Увайсий, олма бошинг зикру фикри ёр ёдидин,
Сулуки ишк аро бе ёди хак йўлдин одошибдур.

МУНОСИБ

Эй гул, жигарим кони узорингта муносиб,
Юз порали қўксум даги хорингга муносиб.

Сарф айлама хар бехабара лаъли кадисинг,
То кахру газаб мени зорингга муносиб.

Тун согарида шарбати бедорлиг иссанг,
Мастоналиг ул чашми хуморингга муносиб.

То килди муаттар хати райхони сахаргох,
Хушхоллигим хусни баҳорингга муносиб.

Манъ этма тараҳхум этибон, ёр, йўлунгдин,
Ашким йўл аро манъи говорингга муносиб.

Дил манзарини пок этибон мунтазир ўлдум,
Бўлгойму экин табъи гулзорингга муносиб?

Рашк оташини, Вайсий, бугун айла мукаррар,
Юз сен каби девона нигорингга муносиб.

КОКУЛИНГ

Бўлмасайди то паришонлигда зебо кокулинг,
Килмагайдим шона чогида тамошо кокулинг.

Ўрмасам эрдим олиб илгимга ул машшотни,
Килмагай эрди мени оламга расво кокулинг.

Ё харидор ўлмасам эрдим жунун бозорида,
Солмагайди бошима юз рангли савдо кокулинг.

Хухни рухсоринг тўё кўрган эдим кадр туни,
Килмасайди юзларинг устида гавго кокулинг.

Колмагайдим норасолар таънайи пинхонига,
Этмасайди сиррими элга хувайдо кокулинг.

Кўнмасайди моҳ рухсорингга кўнглумнинг куши,
Тушмагайди тори то бўйнумга ялдо кокулинг.

Оスマсайдинг жон олур вактинда зулфинг дор этиб,
Бўлмагайди мунча Вайсийга мужалло кокулинг.

МЕНДИН ЎРГАНДИ

Ки булбул нола, афгон айламакни мендин ўрганди,
Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди.

Бориб сахрога, кон багримдин изхор айладим бир кун,
Фалак багрин кизил кон айламакни мендин ўрганди.

Шафак хун бўлгуси, дил, ёр меҳри гар нихон бўлса,
Само гулгуни домон айламакни мендин ўрганди.

Кўруб абру хилолинг, жон фидо килдим жамолингга,
Ул ой хуснига курбон айламакни мендин ўрганди.

Фигонким, гам тароги хаста кўнглум реш-реш этти,
Санам зулфин паришон айламакни мендин ўрганди.

Сени изларман андокким, күёш дийдорин изларда,
Кезиб тун-кун, шитобон айламакни мендин ўрганди.

Каноат килди Вайсий, топти дилдин гавхари назмин,
Садаф хам дурри галтон айламакни мендин ўрганди.

ЧИСТОН

Ул на гумбаздур: эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш кизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни, кизлар холидин олсан хабар,
Юзларида парда тортиглик, турарлар багри кон.

ОШИК БЎЛМИШАМ

Бир пари пайкар суманбар ёра ошик бўлмишам,
ЛАъли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошик бўлмишам.

Мадди охим кўкдадур, соруг юзумда ашки ол,
Ул кадди раъно, юзи гулнора ошик бўлмишам.

Килм гулкандинг ила заъфим иложин, э хаким,
менки, гулбарги шакар гуфтора ошик бўлмишам.

Нолау афгон эртарман кумридек булбул каби,
На ушунким, сарвигулрухсора ошик бўлмишам

Лабларингдин то кўриншим хуш-хуш инжу тишларинг,
ЛАъли бирла ул дури шахвора ошик бўлмишам.

Дўстлар кўнглум олон зулфи мусулмонкуш эрур,
Кофиредур, кокули зуннора ошик бўлмишам.

Ўзни куткармок учун елдим-югурдим хар сари,
Ох вовайлеки, бора-бора ошик бўлмишам.

Манзилу кўю, алойик бандидин озодман
То тарики `хожаи Ахрора ошик бўлмишам.

Баски, саргардон, куюн янглиг югурмацдур ишим,
Ишк водисига ман овора ошик бўлмишам.

Вайсийдин хуш истамаклик йўқ муносиб не учун?
Бир пари пайкар суманбар ёра ошик бўлмишам.